



“ 22 ” 04 2020 y. № 01-06/1784

**Ўзбекистон Миллий
Телерадиокомпанияси**

“Teleradiokompaniya ZO'R” МЧЖ

“Ozod yurt to'lqinlari” МЧЖ (My5)

“Milliy telekanal” МЧЖ

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ўз ваколатлари доирасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади.

Агентлик томонидан ўз ваколатлари доирасида оммавий ахборот воситаларида (телевидение, радио, босма нашрлар), интернет ва ижтимоий тармоқларда жойлаштирилаётган реклама ахборотларининг реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мослиги юзасидан ўрганиш ва таҳлил ишлари амалга оширилмоқда.

Ўтказилган таҳлилларда “Yoshlar”, “Kinoteatr”, ZO'R TV”, “Milliy” ва “My5” телеканаллари орқали “Ўзбектелеком” АЖнинг “Uzonline” савдо белгиси рекламаси жойлаштирилганлиги, унда “UZTELECOM – Unlim тариф режалари тўғрисида маълумот билан бирга, чекланмаган, кафолатланган, юқори тезликдаги интернет оммабоб нархларда” эканлиги тўғрисида маълумотлар берилганлиги маълум бўлди. Ушбу хизматни чекланмаганлиги, кафолатланганлиги доираси, жойи ва муддати тўғрисида аниқ ва тушунарли маълумотлар кўрсатилмаган.

Мазкур ҳолатлар “Реклама тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддаси талаблари бузилишига олиб келиб, Агентлик томонидан реклама берувчи – “Ўзбектелеком” АКга нисбатан белгиланган тартибда иш кўзғатилган.

Ўз навбатида, реклама берувчига нисбатан иш кўрилиши, реклама тарқатувчи томонидан реклама тўғрисидаги қонун бузилиши содир этилишига ҳамда бундай ҳолат учун тегишли чора кўрмасликка асос бўла олмайди.

Юқоридагиларни инобатга олиб Сиздан, реклама ахборотларини жойлаштиришда (тарқатишда), уларни реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига тўлиқ риоя қилишингизни сўраймиз.

“Реклама тўғрисида”ги Қонунга асосан, реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик, яъни нотўғри рекламага олиб келувчи ахборотларни тарқатганлик учун реклама берувчи, реклама тайёрловчи ва реклама тарқатувчи белгиланган тартибда жавобгар бўлишини эслатиб ўтамыз.

Директор

Ижр: С.Жўраев
Тел: 712474600 (318)

Э.Хаитметов